

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 36 (11.097)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг Навоий шаҳрида бўлиб ўтган сайёр мажлисида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Навоий вилоятида ижро этилишига оид масала кўриб чиқилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасида депутатлар, қатор вазирилик ва идораларнинг вакиллари ҳамда мутахассислар иштирокида «Ерга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида семинар ўтказилди.

● Янгийўл шаҳрида «Энг яхши ёш истеъмолчи — 2008» кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Янгийўл шаҳри, Зағиота, Чиноз ва Янгийўл туманлари лицей ва коллежаларининг ўқувчилари иштирок этишди.

● Окўрғон туманида ўтказилган туманлараро меҳнат ярмаркасида Чиноз, Куйичирчиқ туманларидаги 16 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг 86 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Вилоят миқёсида ўтказилган бу ярмаркада 54 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

● Бухоро вилоятининг 2007-2010 йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастурига мувофиқ, бу ерда Республикада биринчи бўлиб балиқчилик корхоналари уюшмаси тuzилди. Ҳозир мазкур уюшмага 25 тадан зиёд балиқ овлаш ва етиштириш корхоналари бирлашган бўлиб, улар ихтиёрида 101 минг гектардан кўпроқ табиий ва сунъий сув ҳавзалари мавжуд.

● Марғилон шаҳридаги «Тошкесар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда шарқона услубда барпо этилган янги тўйхона ишга тушди. Ушбу мухташам иншоотни тадбиркор Неъматилло Тошпўлатов ўз маблағи ҳисобидан бунёд этди. Тўйхонанинг очилиш маросими тўрт ёш оилаларнинг никоҳ тўйи тантанаси билан уйғунлаштирилди.

● «Қуvasой ГРЭС» шўба корхонасида ўтган йили янги «ПТВМ-30» русумли қозон қурилиб ишга туширилиши газ сарфининг 30 фоизга, кўрсатилган хизмат тарифининг 15-20 фоизга камайишига олиб келди.

● Республика Ногиронлар жамиятининг Хоразм вилояти бўлими Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 6,5 миллион сўмлик гранти соҳиби бўлди. Ана шу маблағ эвазига яқин кунларда Урганч шаҳрида ногиронлар учун навабдаги бепул ўқув маркази иш бошлади. Бу ерда компьютер саводхонлигидан сабоқ берилди.

ЖАҲОНДА

● Арманистон Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ Президент сайловларининг биринчи турида белгиланган миқдорда овоз олиб голиб чиққан собиқ бош вазир Серж Саркисян мамлакат Президентлиги этиб тасдиқланди.

● Кубада янги қақирқдаги мамлакат парламенти ўз фаолиятини бошлади. У мамлакат ҳокимияти юқори органларини сайлайди.

● Германия, Канада, Греция, Словакия ва Чехияда Косово мустақиллиги ҳуқуқий асосга эга эмас, деган маънода норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

● Турк ҳарбийларининг Ироқ шимолида қурдларга қарши жанговар ҳаракатларни бошлаши оқибатида рўй берган тўқнашувлар натижасида 15 нафар турк аскарлари ва 112 қурд жангариси ҳалок бўлди.

● Бразилияда 110 нафар йўловчини Амазонка дарёсидан олиб ўтаётган паром чўкиб кетди. РИА «Новости» хабарига кўра, кема ёқилғи олиб кетаётган контейнер билан тўқнашиб кетган. Ҳалокат оқибатида қурбон бўлганлар сони ўн нафарга етади. Яна 20 киши бедарак йўқолган.

● Индонезиянинг Суматра оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,6 балли ер силкиниси содир бўлди.

● Россия Федерациясининг Иркутск областида 6-ҳалқаро «Зимниада» киши спорт уйинлари фестивали бошланди. 12 давлат вакиллари қатнашаётган мазкур қизиқарли мусобақалар апрель ойига қадар давом этади.

● Италиянинг Милан шаҳрида аёллар мода ҳафтаси бўлиб ўтмоқда.

● Ироқда тинч аҳоли ва ҳалқаро тинчликпарвар кучларга қаратилган террорчилик ҳаракатлари умумий ҳисобда 60 фоизга камайганини Германиянинг «Der Spiegel» журнали қайд этди. Бағдодда ўтказилган махсус матбуот анжуманида таъкидланишича, ўтган йили Ироқда ҳар ойда 200 га яқин теракт ва ҳарбийларга ҳужумлар уюштирилган бўлса, 2008 йил январидан бу кўрсаткич 82 тани ташкил этган.

● Кеча Венесуэла Савдо-саноат палатаси ёнида кучли портлаш содир этилди.

● Бир гуруҳ финляндиялик олимлар инсултини бошидан кечирган беморларни даволашда мусиканинг ролини ўрганди. Мутахассисларнинг ҳулосасига кўра, мусика ёрдамида хотира, нутқ ва диққатни жамлаш қобилияти тез тикланади. Олимлар бу усул даволашнинг илк босқичларида самара бериши ва кам чикимлигини таъкидлашмоқда.

МДХ: МОСКВА САММИТИ

АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 22 ФЕВРАЛЬ КУНИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИНИНГ МОСКВА ШАҲРИДА ЎТГАН НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

МДХ — аъзо мамлакатлар бир-бирини яхши биладиган, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган тузилма. Ҳамдўстлик мамлакатлари бир-бирининг имкониятларини, шароитини яхши билади, сингалган ҳамкорлар билан ишлаш эса нисбатан осон кечади. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги мақсад ва вазифалар уйғунлиги уларни ўзаро янада яқинлаштиради.

Ҳамдўстлик ўз салоҳиятини тўлиқ юзага чиқара олмаётгани ҳам ҳақиқат. Шу сабабли Ҳамдўстликнинг сўнги саммитларида МДХни ислоҳ қилиш масаласи кўп муҳокама қилинмоқда. Уни бугунги замон талабларига мослаштириш керак. Аъзо мамлакатларнинг ҳамкорлиги анъанавий дўстликка асослангани ҳолда, ишончли ва ўзаро манфаатли иқтисодий шерикликка ҳам таянмоғи даркор.

Москва саммитида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш борасида барча аъзо давлатлар ҳамфикр эканлиги яна бир қарра аён бўлди. Албатта, МДХни сақлаб қолиш керак. Бунинг эгана талаби Ҳамдўстлик доирасида ишлаб чиқилган ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишдир.

Шуларни инобатга олиб, 2006 йил ноябрь ойида Минскда ўтган саммитда МДХ Ижроия қўмитасига Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Давлатлараро ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 2007 йилнинг июнида бўлган Санкт-Петербург саммитида мазкур концепцияни тайёрлаш жараёни кўриб чиқилди. 2007 йилнинг октябр ойида бўлган Душанба саммити якунида Муқтадил Давлатлар Ҳамдўстлигини янада ривожлантириш концепцияси ва уни амалга оширишнинг асосий тадбирлар режаси қабул қилинди.

Ушбу режа ижросининг бориши Москвада ўтган норасмий саммитнинг кун тартибидagi асосий масала бўлди. Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстликни янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар МДХ ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнларини ривожлантиришга доир масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда жиноятчиликка, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланishiга, терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган дастурлар ижросининг бориши ҳам кўриб чиқилди. Зеро, ҳар қандай шаклдаги интеграция аввало хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари билан узвий боғлиқдир. Товарлар ва хизматларнинг, сармои ва ишчи кучининг ҳаракатини тартибга солиш, назорат этиш учун ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда божхона ва чегара хизматларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарур.

Музокарада Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш билан бир қаторда, МДХ иқтисодий тараққиёт стратегиясининг лойиҳасига, транспорт соҳасидаги сиёсатни мувофиқлаштиришга, умумий энергетика ва озиқ-овқат борзорларини шакллантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, транспорт соҳасида ўзаро мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш интеграция жараёнларини фаоллаштиришга олиб келади. Чунки бу соҳа халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўғини саналади. Шу билан бирга, энергетика ва озиқ-овқат масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Президенти Ислам Қаримов озиқ-овқат, транспорт, энергетика ва сув бўйича консорциумлар ташкил этиш ташаббусини илгари сурганини таъкидлаб ўтиш жоиз. МДХ мамлакатлари орасида энергия манбалари ва озиқ-овқатнинг экспортчилари ҳам, импортчилари ҳам бор. Бинобарин, ўзаро келишган ҳолда энергетика ва озиқ-овқат борасидаги барқарорликни таъминлаш уларнинг манфаатларига мос келади.

Саммитда Президентлар ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, халқларимизнинг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» орденини топширди.

Президентларнинг учрашиб, мулоқот қилиб туриши, долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиши Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатади. Бу эса МДХ ўз аҳамиятини йўқотмаганидан, аксинча, салоҳият ва имкониятларини тўла ишга солишга эришиш йўлидан бораётганидан далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент-Москва-Тошкент

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



«Ташаббус—2008»

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Бу, албатта тадбиркорларнинг ғайрат-шиқоатига юксак ишонч, ривожланишлари йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Тадбиркорлар сафи йил сайин ортиб, уларнинг изланишлари асосида тайёрланган махсулотлар рақобатбардошлиғи юксалиб бормоқдаки, пойтахтимиз мисолида оладиган бўлса, бунинг туманларда кенг миқёсда ўтказилаётган «Ташаббус—2008» кўрик-танлови иштирокчиларининг интилий ва маҳоратлари ҳам кўрсатиб турибди.

Анъанавий тарзда давом этаётган мазкур кўрик-танловнинг навабдаги Учтепа туманида бўлиб ўтди. Туманда фаолият кўрсатаётган 2,5 минг нафарга яқин тадбиркорлардан 10 нафари ва маҳоратли хунармандлардан 9 нафари танлов иштирокчилари бўлишди.

Ўз бора эшитилган кўра бир бора кўрган афзал, деганларидек, тадбирга таширф буюрганларнинг ҳам, ҳайъат аъзоларининг ҳам эътиборини биринчи навабда иштирокчиларнинг фаолиятларини ўзиде яққол муҷассам этган кўргазмалар жалб этади. Айниқса, махсус иш кийимлари ва поабзаллар ишлаб чиқараётган «Нуратон нур», нақшикор ойналар билан буюртмачилар талабларини қондираётган «Хамдам-Афзал» хусусий корхоналари, янги дизайндаги юшмоқ мебелар тайёрлашни йўлга қўйган хусусий тадбиркор Шўҳрат Хўжанов, замонавий технологиялар асосидаги парфюмерия ва косметика махсулотларини четга экспорт қилишни ҳам мақсад қилаётган «Саибо» масуулияти чекланган жамияти, шунингдек ёш бўлишига қарамай олий ўқув юртида тахсил олиш баробарида момомерос каштачилик хунарини эъзозлаётган Дилфуза Фозилова, ёғоч ўймакорлиги сир-асорларини тинмай ўрганаётган Саидзим Рашидов сингари хунари гўзалларнинг амалга ошираётган ишлари, келгуси режаларидан воқиф бўлар экансиз, уларнинг интилишлари, мустақил юрт равнақига ҳисса қўиши, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, халқ амалии санъати ривожини йўлидаги режаларидан бениҳоя қувонасиз. Улар фақатгина сўздагина эмас, балки амалда ҳам фаолиятлари билан ташаббус кўрсатишмоқда, янгилик яратишмоқда. Зеро янгилик бор жойда муваффақият ҳам бўлаверади.

— Корхонамизда 44 та аёл меҳнат қилаётган бўлса, — дейди «Нуратон нур» хусусий корхонаси директори Мухаббат Тошмуҳамедова, — шуларнинг 14 нафари касаначи аёллардир. Уларга барча шароитлар яратилган, оилалари бағрида ишлашмоқда. Ўтган йили ушбу кўрик-танловда хусусий тадбиркор сифатида қатнашган бўлсам, жорий йилда корхона ташкил этиб, янгиликлар билан

келдим. Энг асосий мақсадимиз четники билан беамал рақобатлаша оладиган сифатли махсулотлар тайёрлаш бўлиб, бунга эришяямиз. Жорий йилда катта-катта буюртмаларимиз бор. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун эса Ҳитойдан янги дастгоҳлар олиб келамиз. Яна эгзу ниятим хориклик ҳамкорлар билан қўшма корхона ташкил этиб, махсулот экспортини йўлга қўйишдир. Ўтказилаётган ушбу кўрик-танловдан бениҳоя мамнунман. У мени тинчмай изланишга, ташаббус кўрсатишга ундайди.

Ошқора, қизиқарли ўтган ва санъаткорларнинг чиқиллари ўзгача файз бағишлаган тадбир сўнгида «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши хунарманд» номинациялари бўйича голиблар аниқланди. Унга кўра тадбиркорлик йўналишини бўйича «Нуратон нур» хусусий корхонаси раҳбари Мухаббат Тошмуҳамедова 1-ўрин, «Хамдам-Афзал» хусусий корхонаси директори Хамдам Ҳикматов 2-ўрин, «Саибо» масуулияти чекланган жамияти директори Равшан Ҳамидов 3-ўрин, хунармандчилик йўналишини бўйича эса ёғоч ўймакори Саидзим Рашидов 1-ўрин, миниатюра устаси Шукруддин Рихсиев 2-ўрин, каштачи Дилфуза Фозилова 3-ўрин соҳиблари бўлишди. Албатта, барча голибларнинг рағбатлар — диплом ҳамда қўimmatбоҳ совғалар билан тақдирланиши ҳам анъананага ҳис бўлди.

— Тадбиркор ва хунармандларимизнинг ютуқлари, шубҳасиз бизни қувонтиради, — дейди ташкилотчи Равшан Ҳамидов, — тадбиркорликнинг мазмун-моҳиятини уларга тушунтириш мақсадида туман ҳокимияти, соҳа ходимлари, мутахассислар билан ҳамкорликда қўллаб ураруш, семинар ҳамда мулоқотлар уюштирдик. Буларнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига муҳим роль ўйнайди, деган умиддамиз ва бугун амалда бунинг исботини кўриб туришимиз. Уйлаймизки, мазкур танловимизнинг 1-ўрин соҳиблари «Ташаббус-2008»нинг шаҳар босқичида ҳам муваффақият қозонишди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.
Қозим Ўлмасов олган суратлар

лари ҳамкорлигига уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетиде Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси фаоллари, талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир Ёшлар йилига бағишланди.

● **ЎТГАН** кун Собир Раҳимов политехника касб-хунара коллежида Ёшлар йилига бағишлаб ўқувчи кизлар ўртасида волейбол, баскетбол бўйича ўтказилган мусобақалар «Спорт—саломатлик гарови» шiori остида уюштирилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тендош» маданият уйида Ёшлар йилига бағишлаб Ҳамза туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида 161-мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган интеллектуал ўйин «Ўз билимингни синаб кўр» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақаси бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбиримизнинг хабарларидан).

Касба сатрларда

● **ЎТГАН** кун Тошкент шаҳар Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган тадбирда ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти, ёш оилалар ажралиб кетишининг салбий оқибатлари, улар орасида жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш масалалари ҳақида ўзаро фикр

алмашилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жисмоний тарбия институтида «Гийёвандлик—аср вабоси» мавзусида уюштирилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** маданият қарвонсаройида санъат ихлосмандлари эътиборига ёш иждоркорлар томонидан тайёрланган «Замонавий плакат санъати» мавзусидаги плакатлар кўргазмаси ҳавола этилди ва кўрик-танлов ўтказилди.

● **ЎТГАН** кун Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида ўтказилган «Битирувчи — 2008» меҳнат ярмаркаси Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман ҳокимлик-

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: ИСТИҚБОЛ ВА РЕЖАЛАР

«Сувсоз» трести Давлат унитар корхонаси ҳамшаҳарларимизга ичимлик суви етказиб берувчи ва оқова сувлари хизмати кўрсатувчи асосий ташкилотлардан саналади, — дея суҳбатни бошлади Дунанбой Казобеков. — Корхонамизда ичимлик суви иншоотларнинг кўзда тутилган кубвати бир кеча-кундузда 2326 минг куб метрни, оқова сув тозалаш иншоотларининг умумий кубвати эса 1945 минг куб метрни ташкил этади. Олдимизга кўйилган вазифини адо этиш йўлида 3,5 минг нафардан зиёд ишчи-хизматчиларимизнинг, малакали мутахассисларимизнинг меҳнатлари алоҳида таъкидлашим лозимки, бу албатта аҳолига кўрсатилмаётган намунали хизматда, носоэлиқларнинг вақтида бартараф этилишида, замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланишида яққол кўринмоқда.

— Узокқа бормайликда, ўтган 2007 йилда корхонада амалга оширилган ишлар хусусида тўхталсангиз...

— Ўтган йилда режада белгиланган 11,1 километр ўрнига 12,740 километр масофадаги ишдан чиққан ичимлик суви тармоқлари, ҳамда кўзда тутилган 5,69 километр ўрнига 7,166 километр канализация тармоқлари қайта ётқизишди. Оқова сувлари чикариш хизматлари режаси ҳам жиҳатидан 102 фоизга бажарилиб, 295 миллион куб метрни ташкил этди.

2006 йилнинг охири ва 2007 йилнинг биринчи чорагида «Сергели» (КНС-3) канализация насос станциясида модернизация ишлари олиб борилиб, эскирган иккита насос Швециянинг «Fygt» фирмаси насослари билан алмаштирилди. Бунинг натижасида мазкур станциянинг ўзидagi бир йиллик электр энергияси сарф-харажатлари 30 фоиз, яъни 4,8 миллион киловатт-соат (173,66 миллион сўм)га қисқартирилди ва оқова сувлари чикариш кафолатлари ошди. Шунингдек, узунлиги 1100 метр КНС-3 ва Салор Аэрация станцияси оралиғидаги Д-1000 мм иккинчи босим тармоғи қурилиши тугатилиб, ишга туширилди шахримизнинг Сергели тумани оқова сувларининг чикарилишини янада мустаҳкамлаб, уларнинг оқиб сув ҳавзаларига тушиб қолиш авариявий ҳолатлари хавфининг олди олинди.

Хусусий уй-жой мулкдорлари тасарруфидagi III босқич насос станциялари Россияда ишлаб чиқарилган 70 та янги насослар билан алмаштирилди. Ана шунинг натижасида пойтахтимизнинг барча туманларидаги кўп қаватли уйлarning юкори қаватларини сув билан таъминлаш имко-

ниятлари сезиларли даражада ошди. — **Тошкент шахрини ичимлик суви билан таъминлашни тақомиллаштириш» инвестицион лойиҳаси асосида қандай ишлар амалга оширилди ва ана нималар кўзда тутилган?**

— Юкоридаги инвестицион лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимияти, «Сувсоз» трести Давлат унитар корхонаси ҳамда Европа Та-

олинганди, лойиҳа 5 йилда харажатлари ичимлик суви тармоқларини қайта ётқи-

зиш, учинчи босқич кўтарилиш насос станцияларини модернизация қилиш режалаштирилган. Шунингдек, 12,0 километр масофадаги ичимлик суви тармоқларини ва 7,5 километр канализация тармоқларини қайта ётқиизиш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари балансидаги учинчи босқич насос станцияларини Россияда ишлаб чиқарилган янги насослар билан алмаштиришни давом эттириш, унитар корхона балансидаги учинчи босқич насос станцияларини модернизация қилиш, оқова сув тозалаш иншоотлари ва насос станцияларидаги эскирганларини замонавий, электр энергиясини тежовчи насослар билан алмаштириш юзасидан лизинг шартномаларини тузиш бўйича амалий ишлар олиб бориш, абонентларнинг ичимлик сувидан ва оқова сув шиклатларидан фойдаланганлиги учун мавжуд бўлган дебиторлик қарзларини қамайтириш юзасидаги қатор тадбирларини ўтказиш, режа асосида сув ўлчагич асбобларини ўрнатишни жадаллаштириш жорий йил режаларимиз сирасига қиради ва бунинг учун мавжуд имкониятлар ишга солинмоқда.

— **Янги эслатдингиз—совуқ сув ўлчагичлари ўрнатиш бўйича ҳам маълумот берсангиз.**

— Республика Президентининг 2007 йил 3 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой фондини иссиқ ва совуқ сув ўлчагич мосламалари билан таъминлаш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ корхонамиз томонидан жами 284537 та, яъни кўп қаватли уйларга 219951 та, хусусий секторга 64586 та сув ўлчагичлар ўрнатиш режалаштирилган. Бугунги кунда барча абонентларнинг турар жой манзиллари рўйхати тайёрланиб, улар билан шартномалар тузиш ишлари олиб борилмоқда. Алоҳида айтиш лозимки, ушбу ускуналар фақатгина тежамкорлик гарови бўлиб қолмай, оила-лар бюджетига ҳам катта аҳамият касб этаётганини ўтказилган мониторинг натижалари кўрсатиб турибди.

Юкорида таъкидланганидек, қатраси зарга қиёс этгулик сувимиз бебаҳо неъмат. Уни асраб-авайлаш, авлодларга мерос қолдириш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Шу ўринда истеъмолчиларга эслатиб ўтиш лозимки, сувни аҳолига тоза ва мунтазам етказиб беришнинг ўзига яраша меҳнат ва заҳматлари, сарфланадиган маблағлари бор. Шу боис ҳам фойдаланилган ичимлик суви ва оқова суви тозалаш хизматлари тўловини вақтида бажариб, ўзингизга бу борада кўрсатиладиган сифатли хизматга муносиб ҳисса қўласиз. Буни асло унутманг ва сув ҳақини вақтида тўлашни ёдда тутинг.

коллекторини қайта қуриш, ишдан чиққан ичимлик суви тармоқларини қайта ётқи-

зиш, учинчи босқич кўтарилиш насос станцияларини модернизация қилиш режалаштирилган. Шунингдек, 12,0 километр масофадаги ичимлик суви тармоқларини ва 7,5 километр канализация тармоқларини қайта ётқиизиш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари балансидаги учинчи босқич насос станцияларини Россияда ишлаб чиқарилган янги насослар билан алмаштиришни давом эттириш, унитар корхона балансидаги учинчи босқич насос станцияларини модернизация қилиш, оқова сув тозалаш иншоотлари ва насос станцияларидаги эскирганларини замонавий, электр энергиясини тежовчи насослар билан алмаштириш юзасидан лизинг шартномаларини тузиш бўйича амалий ишлар олиб бориш, абонентларнинг ичимлик сувидан ва оқова сув шиклатларидан фойдаланганлиги учун мавжуд бўлган дебиторлик қарзларини қамайтириш юзасидаги қатор тадбирларини ўтказиш, режа асосида сув ўлчагич асбобларини ўрнатишни жадаллаштириш жорий йил режаларимиз сирасига қиради ва бунинг учун мавжуд имкониятлар ишга солинмоқда.

— **Янги эслатдингиз—совуқ сув ўлчагичлари ўрнатиш бўйича ҳам маълумот берсангиз.**

— Республика Президентининг 2007 йил 3 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой фондини иссиқ ва совуқ сув ўлчагич мосламалари билан таъминлаш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ корхонамиз томонидан жами 284537 та, яъни кўп қаватли уйларга 219951 та, хусусий секторга 64586 та сув ўлчагичлар ўрнатиш режалаштирилган. Бугунги кунда барча абонентларнинг турар жой манзиллари рўйхати тайёрланиб, улар билан шартномалар тузиш ишлари олиб борилмоқда. Алоҳида айтиш лозимки, ушбу ускуналар фақатгина тежамкорлик гарови бўлиб қолмай, оила-лар бюджетига ҳам катта аҳамият касб этаётганини ўтказилган мониторинг натижалари кўрсатиб турибди.

Юкорида таъкидланганидек, қатраси зарга қиёс этгулик сувимиз бебаҳо неъмат. Уни асраб-авайлаш, авлодларга мерос қолдириш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Шу ўринда истеъмолчиларга эслатиб ўтиш лозимки, сувни аҳолига тоза ва мунтазам етказиб беришнинг ўзига яраша меҳнат ва заҳматлари, сарфланадиган маблағлари бор. Шу боис ҳам фойдаланилган ичимлик суви ва оқова суви тозалаш хизматлари тўловини вақтида бажариб, ўзингизга бу борада кўрсатиладиган сифатли хизматга муносиб ҳисса қўласиз. Буни асло унутманг ва сув ҳақини вақтида тўлашни ёдда тутинг.

Сувбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

Тежамкорлик — катта бойлик

ҚАТРАСИ ЗАРГА ТЕНГ — СУВНИ АСРАЙДИК

СУВНИНГ ТИРИКЛИГИМИЗ МАНБАИ, ҲАЁТИМИЗ АСОСИ ЭКАНЛИГИНИ, ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, КЎНГЛИМИЗ НУРАФШОНЛИГИ АНА ШУ «ОБИ ҲАЁТ» БИЛАН БОГЛИКЛИГИНИ ЖУДА ЯХШИ БИЛАМИЗ. АЗАЛ-АЗАЛДАН ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ҲАМ СУВНИ УЛУГЛАШGAN, УНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШGAN, ИФЛОСЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИШМАГАН, ҲАМИША ЭЪЗОЗЛАШGAN. ЧУНКИ СУВ — ПОКЛИК, ҲАЛОЛЛИК РАМЗИ.

ПОЙТАХТИМИЗ АХЛИНИ АНА ШУНДАЙ ТОЗА ВА ШАФФОФ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН МУНТАЗАМ ТАЪМИНЛАШДА «СУВСОЗ» ТРЕСТИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИНИНГ ҲИССАСИ САЛМОҚЛИ. КОРХОНА БОШ МУҲАНДИСИ ДУНАНБОЙ КАЗИБЕКОВ БИЛАН ЎТган ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛган ИШЛАР ҲАМДА КЕЛГУСИГА БЕЛГИЛАНган РЕЖАЛАР ХУСУСИДА СУҲБАТЛАШАР ЭКАНИМИЗ, СОҲА ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ВА САВОБЛИ МЕҲНАТЛАРИДАН, ОЛДИЛАРИДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ БЕКАМУ КЎСТ БАЖАРИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИДА ВОҚИФ БЎЛДИК.

раққиёт ва тикланиш банки ўртасида тузилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 14,67 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлиб, шундан 10,6 миллион доллари Европа Тараққиёт ва тикланиш банки кредитидир. Ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича ўтган йилда 62 та автоматик тизимли насосни Қўрай сув ҳавзалари иншоотларига етказиб бериш, монтаж қилиш ишлари бошлаб юборилди. 62 та суви юкорига кўтариб берувчи ер ости насоси ва эҳтиёт қисмлари келтирилиб, уларнинг 12 таси ўрнатилди ҳамда қолганларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Кўзда тутилган 62 та насоснинг ўрнатилиши тежамкорликда муҳим аҳамият касб этиб, ушбу ишлар тугаллангач, Қўрай сув иншоотларида 29 фоиз ёки йилга 10,5 миллион киловатт-соат, яъни 382,41 миллион сўм электр энергияси тежаб қолинади. Электр энергиясининг тежаланиши ва фойдаланиш сарф-харажатлари инобатта

мосламаларни етказиб бериш, ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш» банди асосида тендер ўтказилиб, хориж фирмалари билан иншоотнинг кимё-бактериология лабораториясига мосламалар етказиб бериш учун иккита шартнома имзоланди. Ушбу ускуналар ўрнатилгандан сўнг бир йилда жами 12 фоиз, яъни 10,5 миллион киловатт-соат ёки 330 миллион сўмлик электр энергияси тежаланди. Юкорида қайд этилган ишларни жорий йил охиригача ниҳоялаш режалаштирилган.

— **Жорий йил режалари сирасидан ана нималар ўрин олган?**

— Ислон Тараққиёт банкнинг 29 миллион АҚШ доллари тенг инвестицион лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу лойиҳага кўра Салор, Бўз-Сув Аэрация станциялари, Бектемир канализация тозалаш иншоотларини модернизация қилиш, Қорақамиш канализация

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА «ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ: GERMANIA VA ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ТАДБИР ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ҲАМДА ФРИДРИХ ЭБЕРТ ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар, хорижий давлатлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Мирзобоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини таъминлайдиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга қодир ижро этувчи ҳокимиятнинг самарали тизими ва тузилмалари яратилганини алоҳида таъкидлади.

Юртимизда маъмурий ислохотлар изчил ва босқичма-босқич олиб борилмоқда. Хусусан, бу ислохотларнинг муҳим бўғини ҳисобланган давлат хизматини ташкил этиш ва тартибга солишни тақомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Давлат хизматининг ҳуқуқий асосларини хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ривожлантириб бориш муҳим устувор йўналишлардан экани қайд этилди.

Анжуманда мазкур соҳада республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ишончли зармин бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНган ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЁШ АВЛОДНИ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҲАЁТГА, ЁН-АТРОФДА ЮЗ БЕРАЁТган ВОҚЕА ВА ҲОДИСАЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАЙДИГАН, МУСТАҚИЛ ФИКРЛАЙДИГАН, ИЙМОН-ЭЪТИҚОДЛИ, БАРКАМОЛ ИНСОНЛАР ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТГАННИ ТАЪКИДЛАДИ.

Давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган ваазифалар ижроси Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасида 2007 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда атрофича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И.Латипов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида миллий кадрларимиз, боқий аънава ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига шонли тарихимизга ҳурмат, она-юртга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламадаги ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда барча жабҳаларда жадал кечаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, Ватанимизнинг тараққиёт йўлини, халқимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳиятини тасвирий воситаларда самарали ва таъсирчан тарзда акс эттириш уюшманин доимий диққат марказида. Ёшлар камолоти, улارни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш, қалби ва онига фидойилар, Ватан тақдирини учун дахлдорлик туйғуларини чуқур сингдириш, жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи тасвирий воситалар, постер ва паннолар, плакатлар тайёрлаб, шаҳар ва туманлар, қишлоқларни безашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушма томонидан бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда дўстлик фестиваллари, концертлар, фото ва бадий кўргазмалар ўтказилди.

Йиғилишда 2008 — Ёшлар йилида уюшма томонидан амалга оширилиши мўлжалланган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



Тўловлар

ҚАРЗИНГИЗНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

ҲАЁТИМИЗДА НИҲОЯТДА АСКОТАДИГАН, ТУРМУШИМИЗГА СИНГИБ КЕТГАН ВА УЛАРСИЗ ЯШАШ АНҲАГИНА МУШКУЛ БЎЛГАН, ҲАТТО ТАСАВВУР ҲАМ ЭТА ОЛМАЙДИГАН БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРИМИЗ БОР. СУВ, ТАБИИЙ ГАЗ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ АНА ШУЛАР ЖУМЛАСИДАН БЎЛИБ, УЛАРНИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИГА, ХОНАДОН ЭҒАЛАРИГА ЎЗ ВАҚТИДА, УЗЛУКСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ, МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТЛАРИ ВА АЛБАТТА БЎЛАНИШ УЧУН САРФЛАНДИГАН МАБЛАҒЛАР ЭВАЗИГА БЎЛАДИ.

Демакки, биз ана шундай қимматли неъматларимизнинг қадрига етиш баробарида, фойдаландикми—ҳар бири унун тўловларини вақтида амалга оширмоғимиз шарт. Ушбу мажбурийятни унуттиш эса, шубҳасиз хизмат сифатига салбий таъсир этади. Ахир бежизга «Тома-тома қўл бўлур» деган фикрни бот-бот қўлламаймиз-да.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг худудий-коммунал фойдаланиш бирлашмасидан олинган маълумотномаларга кўз югуртирар эканмиз, рўйхатдаги хонадон эгаларига бир саволни беришни лозим топдик: коммунал хизматлар ҳақини тўлашни, яъни қарзингизни унутмадингизми? Ҳа, чиндан ҳам рўйхатда келтирилган ҳамшаҳарларимиз ёки тўловни ёдларидан чиқаришган, ёхуд бепарволик ва лоқайдлик уларни тарқатадиган. Шу боис ҳам уларга бу ҳақда эслатиб қўймоғимиз.

Хамза тумани Шамсутдинова кўчаси, 4-уй, 49-хонадондан Т. Дадажонов 910.100 сўм, шу уйнинг 47-хонадондан Ш.Болиев 688.100 сўм, 45-уй, 25-хонадондан Р.Бакиров 637800 сўм, 21- хонадондан Х.Ғапурова 320.800 сўм, Лисунов кўчаси, 4-уй, 56- хонадондан Х.Ҳайдаров 612.030 сўм, Ривезий мавзеси, 16-уй, 28-хонадондан Ш.Коконбаев 626.840 сўм, 15-а-уй, 39-хонадондан А.Ҳолиқовлов 368.735 сўм, шу уйдаги 77-хонадондан А.Тошқулов 311.960 сўм, 64-хонадондан Додиев 302.160 сўм, Циоловский кўчаси, 17-уй, 15-хонадондан Л.Семимна 429.710 сўм миқдоридан иссиқлик ва иссиқ сув пулини тўламай хотиржам юрганига нима дейсиз? Ахир қилнинг қаҳратониди иссиқлик узатиш, иссиқ сув билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди-ку.

Пойтахтимиз аҳолисига тоза ичимлик сувини мунтазам равишда етказиб бериш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий жиҳозлар келтирилмоқдаки, буларнинг барчаси хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳолига қулайлик яратиш йўлидадир. Албатта, бундай қулайликларга истеъмолчилар ҳам ўз бурчларини унутмаган ҳолда жавоб беришлари лозим эмасми? Юнусобод тумани Холмухамедов кўчаси, 13-уйдан Г.Содиқов 496.100 сўм, И.Жалилов кўчаси, 15-уйдан С.Соатов 312.180 сўм, 9-мавзе, 3-а-уй, 39-хонадондан З.Расулов 282.840 сўм, 19-мавзе, 35-уй, 50-хонадондан М.Зуларов 186.390 сўм, 18-мавзе, 33-уй, 164-хонадондан Маҳкамов 156.300 сўм, Сергели тумани «Кўйлик-7» даҳаси, 1-уй, 46-хонадондан Т.Ҳайрутдинов 210.500 сўм, «Сергели-6» даҳаси, 23-уй, 11-хонадондан А.Мухомов 193.070 сўм, мазкур даҳадаги 2-уй, 26-хонадондан

М.Яқубова 136.730 сўм, «Кўйлик-6» даҳаси, 5-уй, 12-хонадондан Б.Тошқубоев 175.420 сўм фойдаланилган совуқ сув тўловини бажаришмаган. Бунга қандай тушуниш мумкин: хизматга «раҳмат-ми»?

Уй бекаларимиз ибораси билан айтганда, «жоннинг роҳати» бўлган «зангори олов» мушкуллимизни осон, оғиримизни енгил қилади. Лекин газ ҳақини вақтида тўламаганлар унинг қадрини қайдан билади?! Учтепа тумани Хондамир кўчаси, 43-уйдан Юлдашев 214.200 сўм, Раҳимбоев 163.370 сўм, 289-уйдан А.Риҳсиев 163.370 сўм, Ҳўжаев кўчаси, 35-уйдан К.Аҳмедова 148.570 сўм, Зиё Саид кўчаси, 156-уйдан Б.Махмудов 139.180 сўм, М.Улугбек тумани Шўртпепа кўчаси, 39-уйдан Бүрибеков ва 29-уйдан Сулаймонновлар ҳар бири 90 миң сўмдан ёқилган газ учун ҳақ тўлашмаган.

Ҳадемай, ўлкамизга баҳор кириб келади. Янгилашиб, яшариш фасли бўлган кўламада ободонлаштириш, орасталаш юмушлари янада кезийди. Наврўзи олам тарадудди авжида чиқади. Албатта, ана шундай дамларда ҳаммиша гўзал шахримизнинг барча худудлари озодалигига алоҳида эътибор қаратилади. Лекин айримларимиз уйимиздан ахлат ва чиқиндиларини олиб чиқиб ташлаймиш уларни олиб кетишда сарфланадиган маблағ ҳақида ўйламаймиз. С.Раҳимов тумани Улуғ кўчаси, 10-уйдан С.Қосимова (162 миң сўм), Ленточная 3-кўчаси, 12-уйдан И.Ибрагимова (108 миң сўм), Қорақамиш 2/3 даҳаси, 10-уй, 13-хонадондан Б.Мифтехов (90 миң сўм), Шайхонтоҳур тумани С.Вургун кўчаси, 5-уйдан Ю.Рустамов (90 миң сўм)лар ана шундайлар сирасига кириб, улар ахлатларини олиб кетиш учун тўловларни тўламай бамайлиқдорликка берилишмоқда.

Ҳар доимидек юкоридаги хонадон соҳибларига айтганидан гапимиз битта: қарзни тўлаш ҳамма учун фарз. Ана шунинг учун.

(Ўз муҳбиримиз)

Сўранг, жавоб берамиз

МАЖБУРИЙ БАДАЛ ВА ТЎЛОВЛАР

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг умумий харажатлари ва улар зиммасидаги мажбурий бадаллар ҳақида маълумот берсангиз. Шунингдек, ширкат аъзоларининг мажбурий тўловларига нималар қиради?

Муяссар Ғаппорова,
Маъфрат Қозокбоева,
Миробод тумани.


Жой мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммаларига олишлари шарт, деб қўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасида. Умумий харажатлар ширкат аъзоларининг умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ харажатларидир.

Жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши унинг умумий участкасидаги мулкдорга қарашли жой участкасига муносиб равишда белгиланади. Ширкат аъзолари умумий харажатларни қоплаш учун ҳар ойда, қоида тариқасида, пул шаклида мажбурий бадаллар тўлайдилар. Ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдори ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

Айрим ҳолларда ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши жой мулкдори томонидан мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Мулкдорнинг ўзига қарашли жойдан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мол-мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни умумий харажатларда тўлик ёки қисман иштирок этишдан озод қилади.

Жой мулкдори ўзининг умумий харажатлардаги иштироки бўйича мажбурийятини ижара (аренда) шартномаси асосида жоини ижарага олувчига ўтказиши мумкин. Жой мулкдори мажбурий бадаллар ва тўловларни тўлаш бўйича мажбурийятлар ижарага олувчига ўтказилганлиги тўғрисида ширкатни хабардор қилиши шарт. Ширкат ва унинг аъзолари ўртасидаги умумий мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ ўзаро муносабатлар ушбу қонун ҳамда ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорлари билан тартибга солинади. Қонуннинг 31-моддасида эса ширкат аъзоларининг мажбурий тўловлари хусусида қуйидагилар баён этилади:

Ширкат аъзолари ўзларига кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун тўлайдиган ҳар оилаик тўловлар мажбурий тўловлар ҳисобланади. Қонунчи тўловларни тўлаш муддатти ва уларнинг миқдори мажбурий бадаллар ҳамда коммунал хизматлари кўрсатувчилар — ижрочилар билан тузилган шартномалар асосида белгиланади.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Гапинг чинлигини яхши билмасдан, Оғзинг очиб, асло сўзга урма дам. Ёлгон сени банддан қилса ҳам халос, Рост гапиргил, агар бандда қолсанг ҳам.

Кейин урсанг ҳамки тош билан юз бор, Ит унутмас берган овқатинг асло. Пастларни бир умр эркаласанг-у, Сал қаттиқ гапирсанг, бошлар можаро.

Куш тушмас пастдаги дона устига, Тузоқ узра кўрса ўзга бир қушни. Бошқаларга ибрат бўлмайин десанг, Ўзинг ибрат олиб, юритгил ишни.

Менинг феълим агар бўлса ярамас, Сен ўз феълинг қўлдан чиқармасанг бас.

Қози беш бодиринг еса гар пора, Юз полиз ҳукмига топади чора.

Ўз тўнинга солсанг агар юз ямок, Ўзга тўнин сўрагандан яхшироқ.

Яхшилик қилган ҳеч кўрмас ёмонлик, Ёмон ўз жонига топмас омонлик.

Мусофирга меҳр кўргусанг агар, Урас яхши номинг олсанг ёяр.

Бегонадан бўлмоқ керак эҳтиёт, Дўст қобили ичра учраб турар ёт.

Қаттиқлик, юмшоқлик иш берар боҳам, Табиб ҳам ниш урар, ҳам кўяр малҳам.

Мард бўл-у, қарамли, ҳам хушфеъл бўл, Ҳақ сенга, сен эса бандга топ йўл.

Донолар сўзини ёдинга олсанг: «Синамай иш тутган ҳоли бўлур танг».

Ўйлаб кўр ўқини бўшатмай камон, Бўшатиб, сўнг ўйлаб, бўлма пушаймон.

Ишим, сўзим тўғри бўлса, не гамим, Нима деса-десин гийбатчи ганим.

ХИКОЯТ

Эшитдим — адолатли бир подшо, Кияркан астару авра бўз қабо.

Бири дебди: «Шоҳим, тўнинг жуда жўн, Хитойи шохидан тикдир яхши тўн!»

Дебди: «Бул кийимда танга осойиш, Бундан ортигидир зебу оройиш...»

Менинг бошимда ҳам юз-юзлаб ҳавас, Лекин газна танҳо меники эмас.

Кўшинлар ҳақидир бойлигу гавҳар, Шоҳ зийнати учун эмас сийму зар.

Гар аскар бўлмаса шохидан ризо, Ватан чегараси қолур хавф аро.

Дехқон эшагини талаб кетса ёв, Нечук солиқ солар султон беаёв.

Ганимлар таласа, шоҳи олса бож, Не иқбол кўради ундай тахту тож.

Йиқилганга зўрлик мурувват эмас, Аёло куш чумоли донини эмас...

Кишвар олиш мумкин соз хулқинг билан, Қон тўзма жанг қилиб ўз халқинг билан.

Қасам, мардлик ҳаққи, бутун кенг жаҳон, Сира арзимайди ерга томса қон.

Эшитдим бахтиёр Жамшид подшо, Булоқ бошга ёзмиш шундай бир маъно:

«Кўлар ҳам бу чашма бошига етди, Сув ичди, дунёдан кўз юмиб кетди.

Қанчаси зулм ила оламни олди, Гўрга ўзи кетди, олгани қолди».

Яхшиликка элтмас агар шаҳаншоҳ, Ажратмаса дўстни душмандан, э воҳ!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

“ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА” ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

“ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КЎНҒИРОТ УЧАСТКАСИДА СЕЙСМИК ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН ТАНЛОВДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ.

Танлов “Кандим-Хаузақ-Шоди-Кўнғирот” мега-лойихасини амалга ошириш доирасида “ЛУКОЙЛ Оверсиз” шўъба компаниясидаги “ЛУКОЙЛ-Ўзбекистон” томонидан ўтказилди.

Белгиланган участкада 3,1 минг погон километр ҳажмдаги сейсмик қидирув ишларини бажариш режалаштирилгандир. Айтиш жоизки, “Ўзбекгеофизика” 2005 йилдан буюн Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот участкасида муваффақиятли фаолият юритиб, ҳозиргача икки минг погон километр ҳажмдаги ишларни бажарди. Бундан ташқари, Қандим қони гуруҳига кирувчи Бухоро-Хива худудига 1,3 минг погон километр ҳажмдаги иш бажарилди.

Қондага мувофиқ танлов савдоларида камида уч йиллик фаолият тажрибасига, лицензияга, сертификатга ҳамда замонавий ускуналарга эга бўлган, шунингдек, йиллик айланма маблағи ўн миллион доллардан кам бўлмаган корхона ва компаниялар қатнашди. Маълумки, “Ўзбекнефтегаз” ва “Лукойл” ўртасида маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги келишув 2004 йилда имзоланган бўлиб, уни амалга ошириш “Кандим-Хаузақ-Шоди-Кўнғирот” лойихаси бўйича 35 йил муддатга белгиланган.

ШАҲРИМИЗДАГИ СЕРГЕЙ ЕСЕНИН УЙ-МУЗЕЙИДА ОМСҚАН ТАШРИФ БУЮРГАН ШОИРА, СЦЕНАРИСТ АНАСТАСИЯ КЕДРОВСКАЯНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЁШ МУСАВВИР АЛЕКСАНДРА СОКОЛОВСКАЯ ҲАМ ҚАТНАШИБ, ЯНГИ СУРАТЛИ ЛОЙИХАДАН ПАРЧАЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.



ШОИРАНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

Асли касби тележурналист бўлган Анастасия Кедровская 1992 йилдан буюн адабиёт оламида. У шеър, қўшиқлар ёзади, сахна асарларини тайёрлайди. Испан шоираси Гарсия Лорка ижодини сеувчи ва ундан илҳомланган Кедровскаянинг шеърларида табиатга, яхши инсонларга муҳаббат, маънавий қадриятларни улуғлаш

хислари уфуриб туради. Шаҳримизга пойтахтлик, Самарқанд ва бухоролик ҳамкасблари тақлифига кўра келиб, ўз бетакор ижод намуналари билан муҳлисларини баҳраманд этган кўп киррали адибнинг сўнгги иши мусаввир Александра Соколовская билан Шарқ тақвими бўйича янги йилга

РАССОМ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР


санъатнинг қайси соҳасида қалам тебратмасин, ҳар бир иши ўз йўналишига мос келади. Мазкур кўргазмадан аввал ҳеч қаерда намоиш этилмаган 60 га яқин тасвирий санъат асарлари, ижодкорнинг фотосуратчилар томонидан олинган ўттиздан ортиқ суратлари намоиш этилди. Рассомнинг “Ибн Сино”, “Абу Райҳон Беруний”, “Навой лирикаси”, “Меҳмонлар”, “Раққоса” каби асарларини кузатар экансиз, уларда халқимиз тарихи, миллий қадриятлари ва урф-одат, анъаналари акс эттирилганлигига ғувоҳ бўласиз. Шунингдек, “Ярдор жангчи”, “Бемор”, “Шоир” сингари асарларида инсон руҳияти ва ҳаёлотини устун туради. Шунини алоҳида айтиш жоизки, Ч.Аҳмаровнинг монументал иш-

лари натижасида бугун юртимиздаги бир қатор бинолар меъморий ёдгорликка айланди. Жумладан, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Катта театр ҳамда метро бекатидаги тасвирий санъат асарлари рассом ижод маҳсулидир.

Тадбир доирасида рассомнинг “Нафосат йўлларида” хотира китобининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Мазкур асар рассом хотиралари асосида ёзилган бўлиб, ҳеч қаерда эълон қилинмаган. Миллий санъат маркази томонидан нашрга тайёрланган ушбу китобда рассом асарлари-га оид фотосуратлар ҳам мавжуд.

Кўргазма 19 мартга қадар давом этади.

“Туркистон-пресс”



бағишланган календарь лойихаси бўлиб, у Тошкентдаги Фотосуратлар уйда намоиш этилди. Кедровскаянинг яқин келажакка мўлжалланган режаларидан бири тўла метржаъли бадиий фильмининг суратга олиниши бўлиб, ушбу фильмда у ҳам сценарий автори, ҳам режиссёр ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатади.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: ижодий кечадан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

Қилмиш-қидирмиш

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ ХАЛҚИМИЗДА «МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК, ТУРМУШ БЎЛАР ЧИРОЙЛИК», ДЕГАН НАҚЛ БОР.

Дарҳақиқат, ҳалол меҳнат билан тинч, осойишта кун кечираётган ҳамюртларимиз орасида иқтидори туфайли муваффақият қозонаётганлари талайгина. Ҳозирда кўпгина ёшларимиз истиқбол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб ўрта махсус таълим муассасаларида, олий ўқув юртиларида тахсил олмақдалар, билимларини шакллантирмоқдалар.

Аmmo, ҳамон орамизда «огирнинг остидан, энгилнинг устидан» деганларидек, ҳеч қаерда ишламайдиган, мўмай пил топиш илмида ҳар қандай қонунбузарликдан қайтмайдиган қилмишларнинг ўчраётганлиги ачинарли ҳол.

Шайхонтоҳур туманидаги «Самарқанд дарвозаси» маҳалласида яшовчи, 37 ёшли З.Воҳидов (исми ва фамилияси ўзгартириб берилмоқда) ана шундай қилмишлардан чиқиб қолди. Ҳеч қаерда ишламайдиган бу қимса валютафурушлик билан шуғулланишни ўзига касб қилиб олди. «Қинғир иш, келтирар ташвиш» деганларидек З.Воҳидовнинг ноқонуний бу хатти-ҳаракати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари томонидан фош этилди.

Келинг, азиз газетхон. Воқеани сизга батафсил сўзлаб бера қилайлик. Утган йилнинг 17 августида фуқаро Ш.Камилова томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Миробод туман бўлимига шикоят аризаси келиб тушди. Унда Юнусов туманининг «Марказ-5» мавзесидаги бекат ёнида юқорида исми-шарифи баён этилган З.Воҳидов валютафурушлик билан шуғулланаётгани, шу боис ҳам унга нисбатан қонуний чора қўриш зарурлиги таъкидланган. Шу кунлик Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси тезкор ходимлари томонидан қўрилган тадбир натижасида ариза берувчи айтган манзилда З.Воҳидов валюта олди-сотиқ билан шуғулланаётганлиги маълум бўлди. Шуниси қизиқки, З.Воҳидов ҳеч кўрмасдан, қонунга хилоф равишда фуқаро Ш.Камиловага 6225 АҚШ долларининг ҳар бирини 1285 сўмдан ҳисоблаб 8.000.000 сўмга сотаётганида департамент ходимлари томонидан ушланди.

«Хар қим эканини ўради», деганларидек, З.Воҳидов энди қонун олдига жавоб беради.

Фарҳод АБДУШУКУРОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛК департаментининг Миробод тумани катта инспектори

Турфа олам

САМОЛЁТНИ ЎРНИДАН ҚЎЗҒАТДИ РОССИЯНИНГ ВОРОНЕЖ ВИЛОЯТИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ПОЛВОН БОРИС ГРИДНЁВ ТЕЗ-ТЕЗ ЎЗИНИНГ ХАЙРАТОМУЗ ТОМОШАЛАРИ БИЛАН ХАЙРАТГА СОЛИБ ТУРАДИ.

Яқинда Борис Гриднёв Ту-134 самолётини ўрнидан қўзғата олди. Самолётнинг оғирлиги нақд 38 тоннадан иборат. Шунингдек, бу полвон оғир тошларни 3810 мартаба кўтариб тўпланганларнинг олқишларига сазовор бўлди. Айни кунларда Борис Гриднёв яна бир неча хайратомуз томошалари билан лол қолдиришга ҳозирлик кўрмоқда.

ЧАҚҚОН САРТАРОШ

ЯПОНИЯЛИК САРТАРОШ ИСАО ЦИТУЯ ЎЗИНИНГ ЧАҚҚОНЛИГИНИ КЎПЧИЛИК ЎРТАСИДА НАМОЙИШ ЭТИБ, БАРЧАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ.

Бу ўз ишининг устаси 55 дақиқа ичида 400 нафар миқознинг соқилини олишга муваффақ бўлди. Мана буну ҳақиқий маҳорат деса бўлади.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ тайёрлаган

Спорт янгиликлари

ТАҚВИМ ТАСДИҚЛАНДИ

Яқинда ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ТУЗИЛГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИ ЖАМОАЛАРИ ТАҚВИМИ ТАСДИҚЛАНДИ.

Яшарлиқ, янгилаштирилган баҳорнинг илк кунини 1 мартдан олий лига жамоалари XVII миллий чемпионатининг биринчи турида майдонга тушишди.

5 мартдан эса биринчи лиганинг 16 жамоаси Ўзбекистон Кубогининг дастлабки саралаш баҳсларини бошлаб беришди. 12 мартдан бошланган Осий чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларида мамлакатимиз шарафини «Пахтакор» ва «Қурувчи» жамоалари ҳимоя қилишди.

Футбол муҳлислари 1 март кунини «Навбахор-А» — «Қурувчи», «Қизилқум-Олтин» — «Машъал», «Насаф» — «Самарқанд Динамо», «Пахтакор» — «Нефтчи», «Андижон-Уз» — «Металлург», «ОТМК» — «Шўртан», «Бухоро» — «Локомотив» «Сўғдиёна» — «Уздон Жу» жамоалари ўртасидаги қизқарлик беллашувларининг ғувоҳига айланмишди.

РИГАДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

ЛАТВИЯ ПОЙТАХТИ РИГА ШАҲРИДА СТОЛ ТЕННИСИ

БЎЙИЧА «ДЎСТЛИК» ХАЛҚАРО

ЁШЛАР ТУРНИРИ УЮШТИРИЛДИ.

Россия, Болтиқбўйи мамлакатлари ҳамда Ўзбекистонлик ёш спортчилар иштирок этган мазкур турнир жамюртларимизга омад келтирди. 160 нафар спортчи қолиб қураш олиб борган мазкур мусобақаларда терма жамоамиз аъзоларидан Римма Гуфранова, Нодира Бурхонжўраева барча рақибларини доғда қолдириб бош совринни қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари Ригадан Ватанимизга ёруғ юз билан қайтишди.

МУНОСИБ

ИШТИРОК ЭТИШДИ

ФРАНЦИЯ ПОЙТАХТИ ПАРИЖ ШАҲРИДА ДЭЗОДО БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО СУПЕРКУБОК МУСОБАҚАЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН МАМЛАКАТИМИЗ ПОЛВОНЛАРИ ЮРТИМИЗГА МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ.

Ҳамюртининг Рамзиддин Саидов 90 килограммгача бўлган вазнда рақибларидан маҳоратли эканлигини исботлаб финалгача етган бўлиши шарафига бўлган баҳсларнинг барчасини ғалаба билан яқунлади. Фақат ҳал қилувчи баҳсда россиялик Хасанби Трөгва очколар ҳисобида имкониятни бой берган Рамзиддинга кумуш медал насиб этди.

100 килограммгача бўлган вазнда иштирок этган ҳамюртимиз Абдулла

Тангриев турнирнинг бронза медалини қўлга киритди.

Айни кунларда ўзбекистонлик дэзо-до усталари апрель ойида Жанубий Кореяда ўтказиладиган Осий чемпионатига қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Эслатиб ўтамиз, Осий чемпионатида олтин медалларни қўлга киритган спортчиларга ёзда Пекинда ўтадиган Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқи берилади.

ИНИЛЕЕВ

МАЛАКАСИНИ ОШИРМОҚДА

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ БОШ МУРАБИЙСИ РАУФ ИНИЛЕЕВ АЙНИ КУНЛАРДА МОСКВА ШАҲРИДА ЎҚУВ КУРСИДА МАЛАКАСИНИ ОШИРМОҚДА.

Гап шундаки, миллий терма жамоамиз таркибининг қисқа фурсатда иқтидорли футболчилар ҳисобига шакллантира олган, ўтган йили Осийнинг энг кучли мурабийси деб тан олинган ҳамюртимиз ПРО лицензиясига эга бўлиш мақсадида Москвада ташкиллаштирилган мурабийлар курсида тахсил олмақда. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу лицензияга эга бўлган мурабийга дунёнинг исталган мамлақати терма жамоасини бошқариш ҳуқуқи берилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмоил қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самардорлигига эришимиз мумкин.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 1999 йил 14 майда Уринов Зокир Эржаевич номига берилган 429 рўйхат рақамли 234300 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2-Тошкент Давлат тиббиёт академияси (собиқ тиббиёт институти) қошидаги тиббиёт билим юрти томонидан 1998 йил 1 июлда Исроилова Нилуфар Асқаровна номига берилган №265285 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат йўналишига ихтисослаштирилган лицей-интернат маъмурияти, Чилонзор туман ҳокимияти томонидан 2007 йил 12 мартда 08-01816 рақами билан рўйхат олинган лицей-интернатнинг Устами асосида берилган Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги ғувоҳнома йўқолганлиги сабабли


БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлинмаларида ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилади. Қоғоз биними А-2